
Адабий-бадий, маданий тадбир ташкил этилди.

Риштон туманидаги Қўқон Давлат педагогика институти филиали биносида адабий-бадий, маданий тадбир ташкил этилди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Қўқон давлат педагогика институти, Риштон туман ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат бўлими томонидан ташкил этилган “Муқимий изидан” номли мазкур тадбирга Риштон туманида яшаб, ижод қилаётган шоирлар, адабиётга ошно ижодкор нуронийлар, туман маданият бўлими санъаткорлари таклиф қилиндилар.

Тадбирда шунингдек, тажрибали шифокор, шу билан бирга ўзининг дилтортар қўшиқлари билан ўз мухлисларига эга бўлган истеъдодли ижодкор Усмонали Тошпўлтовнинг хонишлари барчада катта таассуротлар қолдирди. Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғи ўринбосари Турсунхўжа Абдурахмонов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ғулом Фатҳиддин, адабиётшунос Йўлдошали Дадабоевлар маърифатпарвар шоир Муқимий ижодий фаолияти, ўзбек мумтоз адабиётига қўшган ҳисса ҳақида кўплаб маълумотларни сўзлаб беришди.

2020-10-08 08:43:42